

100 нафар фаластинлик Рафаҳдан Ўзбекистонга эвакуация қилинди



11:50 / 27 декабрь 866

Ўзбекистоннинг Қоҳирадаги элчиси Мансурбек Қиличев маълум қилишича, Тошкент бугун президент Шавкат Мирзиёев ташаббусини амалга ошириш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда жабрланган 100 нафар фаластинлик болалар ва аёллар ва уларнинг ҳамроҳларини Ўзбекистонга эвакуация қилиш ишларини [амалга оширган](#).

Эвакуация қилинган фаластинликлар ўз юртларига қайтгунларича Ўзбекистонда меҳмон бўлишларини таъкидлади.

Мансурбек Қиличев бу фаластинликлар соғлиқни сақлаш марказлари ва касалхоналарда истиқомат қилишларини ва Ўзбекистон ҳукумати уларни оиласарининг барча эҳтиёжлари, жумладан меҳмонхоналар, мактаблар, озиқ-овқат ва бошқалар билан таъминлашини қўшимча қилди.

Унинг тушунтиришича, Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил ноябр ойида Фаластин масаласига бағишлиланган навбатдан ташқари араб-ислом саммити олдидан сўзлаган нутқида Фаластин ҳудудидаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва хавфсиз гуманитар йўлакларни таъминлаш муҳимлигини таъкидлаган ва Тошкент яраланган фаластинлик болалар ва аёллар даволаниш учун қабул қилишга тайёрлигини маълум қилган.